

КАПИТАЛ БОЗОРИДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ


<https://doi.org/10.5281/zenodo.11403985>

Омонов Сардор Ўлмасович
ТДИУ, PhD

Ўзбекистонда инвестиция фондлари фаолиятининг амал қилиш механизмлари атрофлича ишлаб чиқилган, бироқ амалда тижорат банклари ва суғурта компанияларига нисбатан самарали фаолиятга эга, дея олмаймиз.

Суғурта компаниялари ҳам капитал бозорида фаол иштирокчилардан бири эканлигини инобатга олган ҳолда айтишимиз мумкинки, капитал бозорида суғурта компаниялари томонидан инвестиция фаолияти воситачилик ва эмиссион фаолиятларидан кўра кенгроқ амалга оширилади.

Суғурта компанияларининг капитал бозоридаги инвестиция фаолиятини ташкил этиш бир неча босқичда амалга оширилади (1-расм).



1-расм. Капитал бозорида суғурта компаниялари инвестиция фаолиятининг ташкилий механизми¹

1-расмга кўра, даставвал, суғурта полис эгалари томонидан амалга оширилган суғурта мукофотлари суғурта компанияда жамғарилади. Сўнгра суғурта компаниялари инвестиция фаолиятини турли узоқ муддатли қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали амалга оширади ҳамда улардан маълум бир миқдорда даромад ва фойда олади. Ушбу жараёнлар давомида турли суғурта ходисалари юз бериши натижасида суғурталанувчилар ёки бенефитсиарлар томонидан суғурта тўлови бўйича суғурта компаниясига сўровлар келиб тушиши мумкин. Бундай ҳолда суғурта компаниялари инвестиция фаолиятдан олган даромадларининг маълум бир қисмини суғурта

¹ Муаллиф томонидан шакллантирилган

тўловларига йўналтиради. Инвестиция фаолиятидан олинган фойда суғурта компанияси раҳбарияти томонидан акциядорларга дивиденд сифатида тўланиши, реинвестиция қилиниши ёки бошқа масалаларни ҳал қилишга йўналтирилиши ҳам мумкин. Аксарият ҳолларда суғурта компанияларининг капитал бозоридаги иштироки мазкур кўринишда бўлишини таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасидаги суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти таҳлили²


Кўрсаткичлар номи	1.01.2020		1.01.2021		1.01.2022	
	млн. сўм	Жамига нисбатан %да	млн. сўм	Жамига нисбатан %да	млн. сўм	Жамига нисбатан %да
Жами инвестициялар, шу жумладан:	2 711 933	100%	3 382 685	100%	3 746 665	100%
Депозитлар (омонатлар)	1 424 281	52,5%	1 818 925	53,8%	2 208 573	58,9%
Қимматли қоғозлар	848 574	31,3%	958 552	28,3%	1 095 976	29,3%
Займлар	20 609	0,8%	42 054	1,2%	47 453	1,3%
Кўчмас мулк	230 300	8,5%	285 320	8,4%	247 340	6,6%
Ташкилотлар устав фондидаги иштироки	183 306	6,8%	272 143	8,0%	142 203	3,8%
Бошқа инвестициялар	4 864	0,2%	5 691	0,2%	5 120	0,1%

1-жадвалда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг умумий инвестиция фаолияти кўрсаткичлари таҳлили келтирилган. Хусусан, суғурта компаниялари томонидан киритилган жами инвестициялар ҳажми 2019 йил якунида 2,71 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2021 йил якунида деярли 3,75 трлн. сўмга етди.

² <https://imda.uz/oz/yillik-korsatkich-2021/> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Жами инвестициялар таркибида депозитлар ҳамда қимматли қоғозлар асосий ўринни эгаллаган.

Инвестициялар таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар ҳажми 2019 йилдаги 848,57 млрд. сўмдан 2021 йилда деярли 1,10 трлн. сўмга ошди. Лекин қимматли қоғозларга инвестицияларнинг жами инвестицияларга нисбатан фоиздаги улуши 2019 йилда 31,3%ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда мазкур кўрсаткич 29,3%га пасайган. Суғурта компанияларининг бошқа ташкилотлар устав фондидаги иштироки кўрсаткичлари эътибор қаратсак, ушбу кўрсаткич 2019 йилда 183 млрд. сўмдан ортиқ (жами инвестицияларга нисбатан 6,8%)ни ташкил этган ва 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 142 млрд. сўмга (жамига нисбатан 3,8%) пасайганлигини кузатишимиз мумкин. Бундай пасайишга асосий сабаблардан бири сифатида капитал бозорига пандемиянинг салбий таъсирини айтиб ўтишимиз мумкин.



2-расм. Узоқ муддатли корпоратив облигациялар таъминоти сифатида суғурта полисларидан фойдаланиш амалиёти³

³ Иқтисодий адабиётлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

АҚШ ҳамда Буюк Британия амалиётида капитал бозорини ривожлантириш ҳамда капитал бозоридаги эмиссион фаолиятни кенгайтириш мақсадида узоқ муддатли корпоратив облигациялар таъминоти сифатида суғурта полисларидан фойдаланиш амалиёти (bond insurance) йўлга қўйилганлигини кузатиш мумкин (2-расм). Мазкур жараёнда эмитент ҳамда суғурта компанияси белгиланган мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимиз капитал бозорида суғурта компаниялари фаоллиги қониқарли даражада эмас. Шу сабабли суғурта компанияларининг капитал бозорида фаоллигини оширишга эътибор қаратиш лозим. Бу орқали суғурта компанияларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, қўшимча капитал жалб қилиш ва молиявий натижаларини яхшилашга эришиш мумкин. Шунингдек, капитал бозорида суғурта компанияларининг иштироки бўйича хориж тажрибасини тадқиқ қилиш ҳамда миллий амалиётга татбиқ этиш лозим.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 2 avgustdagi "O'zbekiston Respublikasining sug'urta bozorini isloh qilish va uning jadal rivojlanishini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4412-son qarori. (www.lex.uz)
2. O'zbekiston Respublikasining "Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlar huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonuni. // O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi www.lex.uz.
3. Korporativ boshqaruv kodeksi. // "Xalq so'zi", 2016 yil 11 mart.
4. O'zbekiston Respublikasining "Sug'urta faoliyati to'g'risida"gi Qonuni. 2002 yil 5 aprelda qabul qilingan. www.lex.uz.
5. Karimova G. A. Qobulov XA Banklarning raqamli xizmatlari turlari va ularning ommabopligini oshirish masalalari //Интернаука: электрон. научн. журн. – 2021. – Т. 45. – №. 190. – С. 76-77.
6. Shavkat Bayramovich Babaev, Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, Inomjon To'raevich Jumaniyazov, & Inomjon To'raevich Jumaniyazov. (2024). CONCEPTUAL REFLECTION OF THE CHANGING ROLE OF THE STATE EXPORT POLICY IN THE DEVELOPMENT STRATEGY OF THE NEW UZBEKISTAN. *European Scholar Journal*, 5(3), 5-8.
7. Jumaniyazov Inomjon To'raevich, Abdullaev Aybek Nazarbaevich, Sabirov Mirza Qilichbayevich, & Shavkat Bayramovich Babaev. (2024). Importance of social principles of sovereign wealth funds. *Global Scientific Review*, 26, 46–54.
8. Jumaniyazov Inomjon To'rayevich. (2024). ESG IN SOVEREIGN WEALTH FUND INVESTMENTS. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 41(2), 117–124.